

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқо бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 57 (10.362)

2005 ЙИЛ 23 МАРТ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА ҚИССА

● **ТОШКЕНТ** кимё-технология институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида "Ассалом, Наврўз" мавзусидаги тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамда институтининг "Маънавият ва маърифат" маркази, институт қошидаги лицей маъмурияти ҳамкорликларида уюштирилди.

● **КЕЧА** шаҳримиздаги "Маънавият" маҳалласида Ҳамза туман ҳокимлиги, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлари, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан кам таъминланган оилалар аъзоларига эсдалик совғалари тўхфа этилди.

● **ЎТГАН** куни 103-махсус мактаб-интернатда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари ҳамкорликларида тарбияланувчиларга эсдалик совғалари тўхфа этилди, концерт томошалари намойиш этилди.

● **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги "Кулолқургон" маҳалласида Наврўз байрами муносабати билан хайрия тадбири уюштирилди ҳамда хашар йўли билан замонавий тарзда қайта таъмирдан чиқарилган чойхона фойдаланишга топширилди.

● **ЎТГАН** куни Миробод туманидаги воёга етмаганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази тарбияланувчилари иштирокидаги хайрия тадбири Тошкент шаҳар, Миробод туман ҳокимликлари, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармаларининг Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари ташаббуси билан ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Сihat - саломатлик йилида халқимизга хос бағрикенглик, ҳамжихатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, жамиятимизда меҳнатсеварлик ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, умумхалқ байрамлари арасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш, мамлакатимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўришга қаратилган Фармойишга биноан март мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди.

Фармойишга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар режаси асосида кенг кўламада иш олиб борилаётир. 19 март куни мазкур ойлик доирасида умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасидан олинган маълумотга кўра, ҳашар ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда ўтган. Қарийб ўн икки миллион нафар юртодошимиз бу тадбирда фаол иштирок этиди. Маҳаллалар, корхоналар, ташкилот ва муассасалар ҳудудида тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўттиз тўрт минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Гузарлар, зиёратгоҳлар, болалар спорт майдончалари тартибга келтирилди.

Турар жой мавзелари, маҳалла ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиш мақсадида минглаб туп дарахт ва гул

кўчатлари ўтқазилди. Боғ-роғларга шакл берилиб, дарахтлар оқланди.

Наврўз кунлари меҳр-мурувватга эҳтиёмандлар ҳолидан хабар олиш қадимий ва эзгу анъаналаримиздандир.

Ҳашар кунини аждолларимизнинг бу борадаги боқий урф-одатлари янада яққолроқ намоён бўлди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тўрт юз етмиш миллион сўмликдан кўпроқ мурувват ёрдами кўрсатилди.

Ҳашар муносабати билан ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағ юртимизни янада обод этиш, маҳаллалар инфратузилмасини ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш, «Сihat-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга сарфланади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири



XXI саҳоси

Барча маълумотлардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Тошкентда «Озик-овқат саноати-UzFood-2005» халқаро кўргазмаси иш бошлади. Бешинчи бор ўтказилаётган ушбу нуфузли кўргазмада дунёнинг 12 мамлакатидан 50 дан ортиқ фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

● Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Нукус музейи дурдоналари» мавзусидаги кўргазма очилди. Ушбу кўргазма Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида «Ўзбекино» Миллий агентлиги ташаббуси билан уюштирилган ўзбек киноси фестивали бошланди.

● Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида «Сифат бўйича менежер» иختисослашган клубининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилояти Оқдарё тумани маркази — Лойиш шаҳарчасида Наврўз байрами арасида янги шифо маскани қурилиб фойдаланишга топширилди. Унинг реанимация, шозилич жарроҳлик, режалли жарроҳлик бўлимлари энг зарур асбоб-ускуналар, тиббиёт анжомлари билан таъминланган.

● Термизлик ишбилармон Холмўнини Жумаев ўзи истиқомат қилаётган «Темирйўлчи» маҳалласида ўз ҳисобидан гузар қуриб маҳалла ахлига Наврўз байрамига катта совға тўхфа этди.

● Урганч шаҳридаги Огахий номли вилоят театрида болалар мусика ва санъат мактаблари ёш ижрочиларининг Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Атом энергияси бўйича халқаро ташкилот (МАГАТЭ) ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти шафелигида ядро энергияси бўйича икки кунлик халқаро конференция бошланди.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан аъзо мамлакатлар раҳбарларига халқаро ташкилотни тубдан ислоҳ қилиш таклифини маълумлашларини сўраб муурожаат қилди.

● АКШ Давлат котиби Кондолиза Райсинг Хитойга ташрифи ниҳоясига этди.

● Эстония Бош вазири, республика партияси раиси Юхан Партс парламент коалицияси бошқарувидан ва ҳукумат раҳбари лавозимидан кетиши ҳақида баёнот берди.

● Тўхтовсиз ёққан ёмғир натижасида Афғонистоннинг жанубий ва гарбий ҳудудларида юз берган сув тошқинлари 220 кишининг умрига зомин бўлди. Ҳозирда бедарак йўқолганларни қидириш ва зарар кўрганларга ёрдам бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Қирғизистонда рўй бераётган воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

Жорий йилнинг 27 феввали ва 13 мартада бўлиб ўтган парламент сайловлари муносабати билан Қирғизистонда, айниқса унинг жанубий вилоятларида рўй бераётган воқеалар унга яқин кўшни бўлган Ўзбекистонда катта ташвиш уйғотмоқда.

Қирғизистонда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёни бошланганданоқ Ўзбекистон турли даражадаги ҳар қандай сайловлар - ҳар бир мамлакатнинг ички иши ва улар шу мамлакатнинг амалдаги Конституцияси ва қонунларига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилиши лозим, деган қатъий позицияда турди. Ҳар бир сайловда асосий куч - бу сайловчилар бўлиб, барча даражадаги депутатлар уларнинг эркин хоҳиш-иродасига биноан, ҳеч қандай ташқи аралашув ва таъйиқларсиз сайланиши даркор. Айрим сиёсий ва жамоатчилик кучларининг сайлов натижаларидан қониқмаслиги тўғрисида келиб чиқадиган баҳс ва мунозаралар амалий мулоқот, Қирғизистон қонунларида белгилаб қўйилган ҳуқуқий асос ва тартиблар ҳамда

амалдаги Конституцияга мувофиқ тарзда ҳал этилиши зарур.

Юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари баҳамжихат яшаётган Ўзбекистонда икки қардош халқ - ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихий яқинлигига, маънавий қадриятлари ва дини, урф-одат ва анъаналари, тили ва маданияти муштараклигига доимо катта аҳамияти бериб келинади.

Бугун ҳам биз, шу қадимий заминда истиқомат қиладиган барча инсонлар ҳар қандай қарама-қаршилик ва юзага келган муаммоларнинг тинч йўл билан, ташқи таъсирдан мутлақо холи равишда ҳал этилишидан, ҳаммамиз учун энг муҳим бўлган минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни, оилаларимиз осойишталигини сақлаб қўлишдан бирдек манфаатдоримиз.

Биз Ўзбекистонда шунга аминмиз-ки, Қирғизистон халқи қандай қийинчилик ва тўсиқларга дуч келмасин, уларни мардона энгиб ўтган ва бугун ҳам бу синовларни энгиб ўтади, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолади, мамлакатда қарама-қаршиликни кескинлаштириш учун вазиятдан фойдаланиб қолишга, миллатлараро низо келтириб чиқаришга уринадиган қабих ниятли кучларнинг, аввало, ташқи кучларнинг бузғунчи қаҳирини ва хатти-ҳаракатларига эргашмайди.

Биз ўзининг муносиб келажагини, мустақил, фаровон, демократик Қирғизистонни барпо этаётган қирғиз халқининг ақл-заковати ва букилмас иродасига ишонамиз.

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 март.

Иқтисодиёт

ХИССАЛАРИ САЛМОҚЛИ

“Тошкент трактор заводи” акциядорлик жамияти деҳқон ва фермерларга мададкор бўлишда, уларнинг мўл ҳосил етиштиришларида ҳисса қўшишда салмоқли ўрин тутди.

Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик техникаларининг замонавий ва юксак умумли турларини яратишга алоҳида аҳамият қаратилар экан, бу борада корхонада фаолият кўрсатаётган “Трактор” махсус конструкторлик бюроси мутахассисларининг алоҳида ўрнини таъкидламоқ жоиз. Изланувчан конструкторлар аввало ушбу конструкторлик бюросида ҳар хил турдаги техника ва мосламаларнинг нусхаларини тайёрлашади. Синовдан муваффақиятли ўтган эса улар ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Корхона Хитой давлати билан 3 йил аввал тузилган шартномага кўра деҳқон ва фермер хўжаликлари учун мини тракторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ушбу техника воситасидан самарали фойдаланилмоқда. Аввалига ушбу тракторлар учун бутловчи қисмлар Хитойдан келтирилган бўлса, ҳозирги пайтда жамоада ҳукуматимизнинг маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритилиб, уларнинг 50 фоизи ўзимизда тайёрланмоқда.

Келажакка замин яратиш учун бугундан ҳаракат қилаётган жамоа тадбиркорлари жорий йилда маҳсулот экспорти ҳажмини оширишни ҳам кўзда тутишган.

СИФАТИ ВА ТУРЛАРИ ОРТАДИ

Эрталабдан дастурхонга қўйилган иссиқ ва бўрсилдоқ нон фақатгина иштаҳангизни очибгина қолмай, уни тановул қилсангиз, кун бўйи сизга қувват ҳам бўлади.

Ана шундан дастурхонимизни энг азиз неъмат билан таъминлашда уста новвойларимизнинг хизматларини таъкидлаш ўринли. Уларнинг меҳнатлари самараси хонадонларимиз дастурхонидан акс этади, эҳтиёмимизни қондиради. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган “Саховатон” акциядорлик жамияти илчи-хизматчилари ҳам бу борада ўз ўрнига эга бўлиб, ҳозирда 40 турдаги нон ва нон маҳсулотларини аҳолига етказиб беришмоқда.

Корхонада фаолият кўрсатаётган 100 нафардан ортиқ илчи-хизматчининг баракали меҳнатлари эвазига кунига 21 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Лаборатория мутахассислари эса маҳсулот сифати, шифобахш турлари устида тинмай изланишмоқда.

Корхонанинг 2 та фирма дўкони фаолият кўрсатиб, тайёрланаётган нон ва қандолат маҳсулотлари улар орқали харидорларга етказилмоқда. Ҳозирда қандолат чехига янги линия олиб келиб ўрнатиш борасида иш олиб боришмоқда. Бу билан ҳам ички бозорга сифатли маҳсулот чиқарилади, ҳам қўшимча илчи ўринлари яратилади.

Шарофат БАХРОМОВА

ЛЮБЕКНИНГ ИНТЕРНЕТ САҲИФАСИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

Жорий йилнинг 11-15 март кунлари Германия пойтахтида ташкил этилган Халқаро сайёҳлик биржаси муносабати билан мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида “Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятининг тақдими” мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтган эди. Унда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси И.Мустафоев тадбир иштирокчиларига мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, соҳани ривожлантириш йўлида эришилаётган кенг кўламли муваффақиятлар ҳақида атрофлича маълумотларни тақдим этиши баробарида журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарганди.

Германиянинг Шлезвиг-Гольштайн федерал ўлкасида жойлашган Любек шаҳрининг интернетдаги марказий саҳифасида (www.hier-leubeck.de) ушбу тадбир тафсилотлари ҳақида ёзилган мақола эълон қилинди.

Унинг муаллифлари — TBF ахборот агентлиги журналисти Вольфганг Фрайвальд ва ҳуқуқ фанлари доктори, Лион клуби президенти Христов Гаудекнинг эътиҳоти, Ўзбекистоннинг Германия пойтахтидаги дипломатия ваколатхонасида бўлиб ўтган мазкур матбуот анжумани иштирокчилари, хусусан, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг кўп сонли вакиллари бугунги Ўзбекистон, унинг дунёга донги кетган кўҳна ва бетакор осори-атиқалари, мамлакатнинг ҳозирги сайёҳлик салоҳияти, хо-

рижлик сайёҳлар хавфсизлиги юқори даражада таъминлини сингари масалалар юзасидан жуда кўп ва зарур ахборотларга эга бўлишди. Муаллифларнинг қайд этилишича, элчихонадаги матбуот анжумани доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик марказлари, улардаги бетакор тарихий обидалар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар ҳамда ўзбек санъат усталари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқ ва жозибали рақслар тўланганларда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Любек шаҳрининг мазкур интернет саҳифасида тадбир лавҳалари акс этган етмишдан зиёд фотосуратлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Бахриддин АСЛАНОВ,
“Жаҳон” АА мухбири
Берлин.

САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари билан Япония ўртасида маданият ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Япониянинг давлат ташкилотлари ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Тадбир Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, Япониянинг ер хўжалиги, инфратузилмалар ва транспорт вазириги, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан ташкил этилди.

Симпозиумни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Насриддин Нажимов очди.

Анжуманда мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди. Ушбу учрашувнинг Марказий Осиё ва Япония даражасида ўтказилаётгани эса мазкур соҳадаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

— Ўзбекистон — жуда қадимий ва бой тарихга эга мамла-

“Ўзбек фотографияси 125 ёшда”. Москва шаҳридаги Рассомлар марказий уйида очилган суратлар кўргазмаси ана шундай номланди. У “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Рассомлар уюшмасининг халқаро конфедерацияси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилди.

СУРАТЛАР ЮРТИМИЗ ТАРИХИДАН СЎЗЛАЙДИ

Тадбир доирасида ушбу кўргазма антология-каталог биричи жилдининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Унинг 3 та жилдини нашр этиш режалаштирилган бўлиб, уларда ўзбек фото санъатининг ривожланиш соҳачилари ўз аксини топади.

Биричи жилд ўзбек фотографиясининг юзага келиши ва шаклланиши тарихига оид, иккинчи жилда XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек сураткаш усталари яратган ишлар ўз ифодасини топади. Учинчи жилда эса 1991 йилдан эътиборан мустақилликка эришган Ўзбекистон тарихининг фотосолномаси акс этирилди. Ушбу тўплам “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Тошкент фотография уйи томонидан нашрга тайёрланган.

— Кўргазмага қўйилган ишларни кўриб Ўзбекистонни

қайта кашф этгандек бўлдим, — дейди “Фотосентр” бирлашмаси бош директори, Россия Журналистлар уюшмаси котиби В.Никифоров.

Россия Федерацияси Давлат думаси депутаты, “Россия - Ўзбекистон” парламент лигасининг раиси, Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича қўмита раисининг ўринбосари Л.Тян, жумладан, шундай деди:

— Менга Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш насиб қилди. Мамлакатингизда кўрган-көчирганларимдан, амалга оширилган улкан ўзгаришлардан чинакамига ҳайратланганимни яширмайман. Бугунги кўргазмада эса гўзал Ўзбекистон билан, унинг меҳнаткаш ва меҳмондўст халқи билан яна бир бор юз кўришгандек бўлдим.

Музаффар ЗОХИДОВ,
“Жаҳон” АА мухбири
Москва

қўйиш Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантиришда яхши самара бериши шубҳасиз.

2004 йил октябрда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ваколатхонаси очилган эди. Бунинг самараси ўларок, айни пайтда хорижий сайёҳлик агентликлари Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари билан кенг танишмоқда.

Симпозиум иштирокчилари Марказий Осиё давлатлари ва Япониянинг сайёҳлик соҳасидаги имкониятлари билан танишди. Мазкур йўналишда ҳамкорликни янада ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш юзасидан фикр алмашди.

ЎЗА

Бозор ва харидор

ҲУСУСИЯТЛАРГА ЭГА

Сергели туманида фаолият кўрсатган “Savoy-servis” хусусий фирмасининг сифатли, кўркам, рақобатбардор маҳсулотлари харидорларни мамнун қилмоқда.

Мазкур корхона 2001 йилда иш фаолиятини бошлаган бўлиб, бугунги кунга келиб 14 нафар малакали, ғайрат-шижоатли илчи-хизматчилардан иборат жамоани ўз сафига бирлаштирган. Замонавий дастгоҳ ва ускуналар кўмагида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорлиги билан ажралиб туради, бу эса жамоанинг баракали меҳнати маҳсули ҳисобланади. Хусусий фирманинг ўтган — 2004 йилда 21 миллион 400 минг сўмга яқин соф фойда олганлиги фикримизга далил бўла олади.

Энг муҳими, барча маҳсулотлар маҳаллий ном ашёдан тайёрланади ҳамда нафақат пойтахтликлар, балки республика бўйлаб буюртмалар ўз муддатларида жўнатилади. Корхонада “Провансаль”, “Зайтунли”, “Пишлоқли” ҳамда “Кўзиқоринли” бир-биридан мазали, тўйимли майонезлар тайёрланади. Шунингдек, ширин таъмини хуш кўрувчилар учун “Болгар”, аччиқни севувчиларга “Шанхай” ҳамда саримсоқпйёзли “Кавказ” кетчуплари турли ҳажмли бежирим идишларда ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона тадбиркорларининг ички бозоримизни чуқур ўрганишлари, изланишлари тўғрйли йилдан-йилга янги маҳсулот турлари яратилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда 0,5 ва 1 литр ҳажмли идишларда қадокланган сифатли, экологик тоза, хушбўй шампунлар тайёрланмоқда. “Мевали”, “Олмали”, “Апельсин”, “Кулупнай”, “Атиргул” ҳамда “Лимон” деб номланган ушбу шампунлар бир қатор фойдали хусусиятлари билан харидорлар эътиборига сазовор бўлмоқда.

Қисқа муддатда бундай муваффақиятларга эришининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тинимсиз изланиш, янгиликка интилиш ҳамда ташаббускорлик зарур. Айни ушбу хислатлар “Savoy-servis”чиларга хослиги билан эътиборга сазовор.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Тошкент метрополитенининг “Ойбек” бекати ҳам замонавий меъморчилик лойиҳаси асосида бунёд этилган. Ушбу бекат жамоаси атоқли сўз санъаткори Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг юз йиллигига катта тараддуд кўрмоқда.

Тадбирлар

МЕТРОДА АДАБИЙ КЕЧА

Шу сана муносабати билан уюштирилган адабий кеча метрочилар учун шодибёнага айланди. Тадбир ташкилотчиси оператор Ўлмасхон Нурматова кечани очар экан, атоқли ёзувчи номи билан аталаётган шу бекатда меҳнат қилаётганлигини фахрли билан тилга олди.

Ойбекхонликка пухта тайёргарлик қўрилган эди. Адиб ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид китоблар кўргазмаси ҳам тадбир иштирок-

чиларида қизиқиш уйғотди.

Ойбек романларини севиб ўқиган метрочиларнинг дил сўзлари кўпчиликни ҳаяжонга солди.

Чиндан ҳам бекат жамоаси Тошкент метросида хизмат қилаётган метрочиларга ўрнатилмоқда. Ер остининг бу метро хизматидан кунига тўрт-тўрт ярим минг йўловчи баҳраманд бўлмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

«ISHONCH»ГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

«Ishonch» банкларо сугурта компанияси мамлакатимиздаги йигирмадан ортиқ сугурта компанияси орасида биринчи бўлиб барча — 17 та сугурта класс буйича мажбурий ва ихтиёрй сугурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди.

— Бунда компаниямиз мутахассисларининг маркетинг, менежмент ва андеррайтинг йўналишларида фаол иш олиб бораётгани муҳим омил бўлди, — деди муассаса раҳбари Миршамсиддин Ҳикматиллаев ЎЗА мухбирига. — Жорий йил бошидан буён мижозлар билан мингга яқин шартнома тузилиб, 14 миллиард сўмлик сугурта мажбурийли олинди.

Йигилган бадаллар миқдори салкам юз миллион сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 170 фоиз кўп.

ЎЗА

Наврўз нашидаси

БРЮССЕЛДА
ҲАМ
НИШОНЛАНДИ

“Брюсселга Наврўз келди”. Халқимизнинг суюкли айёми муносабати билан бўлиб ўтган тадбирнинг қатнашчилари ана шундай сўзларни айтган ҳолда Брюссель чет тиллар олий мактаби бизнесини тарқ этишди.

Меҳмонлар бино ичкарига киришлари билан оқ уларни ўзбек халқининг бе-ниҳоя бой маданияти ва анъаналари намуналари ҳайратга солди — у ерда меҳмонларни Ўзбекистон халқ амалий санъати махсусотларининг гўзал кўргазмаси ўзига чорлаб турар эди.

Наврўзи олам муносабати билан ўтказилган ушбу байрам тадбирида Европа парламенти, Европа Иттифоқи комиссияси ходимлари, мамлакатда аккредитация қилинган дипломатия корпу-си, Бельгиянинг сиёсий, академик ва илмий доиралари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Кечада сўзга чиққан Брюссель таржимонлар олий институтининг директори Франс Де Лэт ҳамда Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси В.Норов тўпланганларга ушбу гўзал байрам тарихи ва унинг Ўзбекистонда анъанавий нишонланишининг тарихи ҳақида сўзлаб бердилар. Шунингдек, бугунги замонавий Ўзбекистон ҳамда юртимизда Наврўзи олам шодиёналари акс этган видео-фильм меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. “Ўзбекистон” ашула ва ракс ансамбли солистлари Давронбек Акбарбеков, Феруза Озодова ҳамда ёш ўзбек скрипкачиси — Антверпен мусиқа мактабининг талабаси Фарҳод Йўлдошев ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар ва жозибали рақслар кеча қатнашчиларида унутилмас таассуротлар қолдирди.

Жамшид МУТАЛОВ,
“Жаҳон” АА муҳбири
Брюссель.
БАҲОР ФАСЛИ —
ЁШЛИК ВАСЛИ

Халқимизнинг энг улуг ва сеvimли шодиёнаси Наврўзи олам муносабати билан шахримизнинг кўпгина жойларида байрам тадбирлари бошланиб кетган.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда “Тошкентнаво” бирлашмаси ҳамкорлигида Наврўз байрамига бағишлаб Халқлар Дўстлиги саройида “Баҳор фасли — ёшлик васли” деб номланган байрам концерти ўтказилди.

Ушбу тадбирга шахримиздаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари тақриф этилди. Концертада ўзбек эстрадасининг ёрқин юлдузлари Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёкубов, Авазбек Олимов, хонандалар Лола Йўлдошева, Гулсанам Мамазоитова, Шахзода, ёшларнинг янги “Олоуддин” гуруҳи, Райҳона Ганиева ва бошқа кўплаб истеъдод эгалари ўз чиқишлари билан қатнашдилар.

Санъаткорларнинг баҳор, Наврўзи тараннум этувчи куй-қўшиқлари, гўзал рақслари ёшлар қалбига бир олам завқ-шавқ бағишлади.

Юлдуз РИЗАЕВА

БОБУР БОҒИДА НАВРЎЗ САЙЛИ

Юртимизда Наврўз шодиёналари давом этаётган айни кунларда пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан миллий маданий марказлар бадиий жамоалари ҳамда санъат усталари иштирокида катта байрам сайли бўлиб ўтди.

Унда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқро ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда диёримизда тотувлик ва ҳам-жиҳатликда яшаётган юздан ортқ миллат ва элат вакиллари давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишда муносиб ҳисса қўшиб келаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиздаги миллатлараро бағрикенглик, фуқароларимизнинг миллати, irqи ва динидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик Ватанимизнинг халқро ҳам-жамиятдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон халқига Наврўз табригида

Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси фаолиятини мамлакатнинг қатор федерал ўлкаларида маҳаллий халқ вакиллари билан бирга нишонлаш аниъанага айланиб қолган. Қутлуг айём муносабати билан мамлакатнинг Бремен ўлкасида Германия ҳукумати ва сиёсий доиралари ҳамда жамоатчилик вакиллари, “Ўзбекистон — Бремен” дўстлик жамияти аъзолари, журналистлар, Бременда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирокида байрам тадбири бўлиб ўтди.

БРЕМЕНЛИКЛАР СУМАЛАҚДАН БАҲРАМАНДА БЎЛИШДИ

Шодиёнани очар экан, “Ўзбекистон — Бремен” дўстлик жамияти президенти Э.Мочман ҳам бу гўзал ва бегубор байрамнинг ҳар йили ўз мамлакатида нишонланиши аниъана тусини олганидан мамнуният ихсоз этди.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти профессори Ж.Жумабоевнинг Наврўз тарихи ҳамда унинг моҳиятан

одамларни саховат, эзгулик ва бунёдкорликка даъват этиши, ушбу баҳор айёмининг мамлакатимизда кенг нишонланиши мавзусига бағишланган маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Наврўзнинг юртимизда нишонланиши ҳақида ҳикоя қилувчи хужжатли фильм на-мойиш этилиши баробарида ушбу баҳор айёми тўғрисидаги ранг-баранг маълумотно-

малар, мамлакатимиз ҳаёти-нин турли соҳаларида олиб борилётган ислохотлар на-тижаси ўларок, қўлга киритилган кенг кўламли ютуқ-муваффақиятлар ҳақидаги ма-териаллар ҳам тадбир қат-нашчиларига тақдим этилди.

Ўзбекистондан келган та-ниқли санъаткорларнинг чи-қишлари, дастурхонга турли ўзбек миллий таомлари қато-рида Наврўзи олам рамзи —

сумалакнинг тортилиши шу-қули байрам кўрқига ўзгача кўрк бўлди.

Худди шунингдек, халқимизнинг суюкли байрами Бременда бўлгани каби Гер-мания Федератив Респуб-ликасининг Фрайбург, Бонн, Франкфурт Майн сингари шаҳарларида ҳам кенг ни-шонланди.

“Жаҳон” АА
Берлин.

МАҲАЛЛАДА
БАЙРАМ ШУҚУҲИ

Миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган уйғониш, яша-риш-фасли гўзал Наврўз айёми барча-барчамизнинг қалбларимизга баҳорий хуш кайфият, шодлик ва қувонч бахш этмоқда. Ҳамма жойда байрам таралдуи. Карнай-сурнай наволари, баҳор таронала-ри янграмоқда.

Кунни кеча Акмал Икромов ту-манидаги Абдулла Қодирий но-мидаги маҳаллада ҳам Наврўз ай-ёмига бағишланган байрам тад-бири бўлиб ўтди. Эрта тонгдан кўчалар орасланиб, катта до-шқозонда сумалак пиширишга ҳозирлик бошланиб кетди. Кич-кинтойларнинг қувончини айт-майсизми... Сумалакни орзиқиб соғинганларидан қозонга тики-либ-тикилиб қўйишар ва ўзлари-ча ҳиргойи қилишарди:

Сумалақдан тош топдим,

Бир парча қуёш топдим.

Қалбимда ёнди умид,

Бир ажиб сирдош топдим...

Шу кунни байрам дастурхони безатилиб, Наврўз таомлари — кўк сомсаю чучваралар, қатла-маю ширинликлар билан тўлиб кетди. Тадбирга маҳалланинг ну-роний онахонлари, фаол аёл-лар ва меҳмонлар ташриф бую-ришди. Бир-бирлари билан ши-рин суҳбатлар қуриб, шундай азиз ва қадрли Наврўз айёми-миз борлигига шукроналар ай-тишди. Эзгулик, меҳр-оқибат, саховатга чорловчи бу айём на-шидасидан қалблари завққа, қувончга тўлди. Ширин суҳбат-лар куй-қўшиққа уланиб, аёл-лар, қизлар шўх-шодон рақсга тушиб, лапарлар айтишини бош-лашди. “Гавҳар” фольклор дас-таси қатнашчиси Маҳфуза Бой-мирзаева доирала ўзининг дил-бар қўшиқлари, лапарлари бил-ан байрам тадбирига ўзгача файз киритди.

—Маҳаллаимиз аҳли жуда ҳам меҳр-оқибатли, тотув ва иноқ. Ҳар йили Наврўз байрамини ма-ҳаллаимизда сумалак пишириб мана шундай кўтаринки руҳ бил-ан шодиёна ўтказиш аниъана бўлиб қолган. Сумалак баҳона

ҳаммамиз бир-биримиз билан дийдорлашамиз, беморлар, ёрдамга муҳтож кишилар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб ҳомийлар томонидан хайрия ёрдамлари кўрсатамиз,—деди Абдулла Қодирий номидаги ма-ҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Дилбар Жўрабекова.— Су-малак пишириб, ҳамма-ҳаммага тарқатамиз.

—Дориломон кунларга етиб келганимизга шукроналар бўлсин,—дея суҳбатга қўшилди маҳалланинг нуроний онахони Саида ая Бойназарова.—Наврўз байрами қадимда жуда бошқача бўларди. Катта далалар, боғлар-да, қир-адирларда анвойи гуллар, бойчечагу чучмомалар териби, чилдирмалар чалиб ўйин-қули бошланарди. Турли мусобақалар ўтказиларди. Мана яна ўша қад-рли бўлган Наврўзимиз қайта тикланди. Миллий удумларимиз, аниъаналаримиз давом этмоқда. Аллоҳга шукр.

Шу кунни байрам шуқуҳи маҳаллада кечгача давом этди. Кўчани тўлдириб қувнаб ўйна-ётган болалар эса варрақлар учириб, мусобақа ўйнадилар. Варрақлари қанча баланд кўта-рилгани сари уларнинг қувон-чи ошиб борарди. Атлас қўйлак кийган қизалоқлар бинафшаю чучмомалар териби, хушрўй кел-линчаклар қошларига ўсмалар қўйиб қалблари завққа тўлди. Буларнинг бари Наврўз наши-даси. Наврўз туҳфаларидир.


Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Абдулла Қоди-рий номидаги маҳаллада бўлиб ўтган Наврўз байрами тадбиридан лавҳалар.

Бурхон Ризоқулов
олган суратлар.

Инсон саломатлиги ҳаётда муҳим ўрин эгаллайди. Қачонки одамзод соғлом, руҳи тетик, фикри тиниқ бўлса, унда яшаш учун иштиёқ кучли бўлади. Яратини, яшнатин, борликда гўзаллик бахш этини, юрт тинчлигини сақлаш, янгиликлар ихтиро этини учун изланади, нигилади асосийси эса, тинмай меҳнат қилади. Шунинг учун дово халқимиз «Эл соғлиги — юрт бойлиги» деган иборани бежиз айтмаган.

Мубошёр

масканларида



ОИЛА ШИФОКОРИ ТИЗИМИ АФЗАЛЛИКЛАРИ



Оналар ва болалар саломатлигига эътибор ҳукуматимизнинг энг устувор вазифаларидан биридир. Жумладан, Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури» ушбу тизим ривожидида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида тизимда оммавий шифокор фаолияти йўлга қўйилди. Оилавий шифокор тизимини яратилишининг биринчи bosқичида поликлиникаларда штат меъёрлари барча талаб этиладиган йўриқномалар ш-лаб чиқилди ва тасдиқланди. Шаҳримиздаги 6-оилавий поликлиникага бориб, бирма-бир хоналарни айланар эканмиз, шифокорлар, ҳамширалар, олдидий фаррошларнинг сидқидилдан беминанат меҳнат қилаётганликларини кўриб, оила шифокори тизими бугунги кун давр талаби билан иш олиб бораётганига амин бўлдик.

— Оила шифокори кенг қўламдаги мутахассис бўлиб, ўзига бириктирилган ҳар бир оила аъзосининг саломатлигига масъул шахсдир, — дейди 6-оилавий поликлиника бош шифокори тиббиёт фанлари номзоди Феруза Юлдашева. — У ҳар бери оилага кириб бориши, оила аъзоларнинг кичигидан тортиб

катталаригача ҳаммаларининг саломатлигини чуқур ўрганиши, касалликларни вақтида аниқлаб ташхис қўйиши ва даволаши, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича таъсиллар бериши зарур.

Дарҳақиқат, Феруза опа айтганидек оила шифокорининг зиммасида масъулиятли муҳим аҳамият касб этади.



вазифа турибди. Улар наинки шифокор балки ҳар бир оиланинг ишончли дўсти, маслаҳатчиси ҳам бўлиши шарт.

6-оилавий поликлиника замон талабига мос жиҳозлар билан жиҳозланган ва қайта таъмирланган. Феруза Юлдашева мазкур масканда 1999 йилдан бери бош шифокор лавозимини фаолият юритаётган бўлса, ўша

йилларнинг ўзидеяқ таъмирлаш ишларини янгидан бошлади. Шифокорларни махсус курсларда таълим олишга юборди. Касалликларнинг олдини олиш ва камайтиришга оид кенг миқёсдаги профилактик ишларни олиб боришда бош-қош бўлди. Бугунги кунда мазкур поликлиника 45212 нафар аҳолига хизмат қилиб келаяпти.

Аҳолининг соғлигини сақлаш, айниқса хотин-қизларнинг саломатлигига эътибор бериш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда шифокорлардан Маъмура Рискиева, Раъно Расулова, Мунира Носирова, Фотима Алиева, Наргиза Собирова, умум амалиёт ҳамшираларидан Бекташева, Саркоч, Халича Тўраҳужаева ва бошқалар эл соғлиги йўлида чин кўнгилдан хизмат қилиб келаяптилар.

Бугунги кунда ушбу маскан-



да 272 нафар ходимлар фаолият юритмоқда. Шундан 30 нафари олий маълумотли шифокорлар бўлса, 78 таси хушмуомала, ширинсўз ҳамширалардир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: 6-оилавий поликлиника фаолиятдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ДОНИШМАНДААР ХАЗИНАСИДАН

● Инсон узоқ умр кўриши мумкин. Лекин биз ўзимизнинг пала-партишлигимиз, ўз организмимизга нисбатан шафқатсизлигимиз туфайли бу муддатни кўп йилларга қисқартириб юборамиз.

● Одамлар узоқ яшашни хоҳлашадими, аммо саломатлигини эҳтиёт қилишмайди.

● Саломатликни сақлаш ҳамда турли касалликларнинг олдини олишда бадан

тарбия ва ҳаракатдан яхши восита йўқ.

● Маънан соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлиш ҳам лозим.

● Хотирани кучайтиришнинг энг муҳим шартли асабларнинг соғлом бўлишидир. Бунинг учун эса бадан тарбия билан шуғулланиш лозим.

● Саломатликнинг баҳоси ҳеч қачон пайсамайди. Чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат ва на ҳаловат бор.

ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

УНГА ҚАРШИ КУРАШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра гиёвандлик мубало бўлганлар сони дунёнинг барча мамлакатларида йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирда ОИВ/ОИТС, гиёвандлик ва токсикомания муаммосига тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, руҳшуносларга бошқа соҳа ходимларининг эътибори қаратилган. Ачинарлиси, бу иллатларнинг қурбони асосан ёшлардан иборатдир. Усиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва етук вонга етиши учун уларни гиёвандлик, токсикомания воситаларининг зарарли таъсиридан сақлашга кенг эътибор қаратиш зарур.

Гиёвандлик ва ичкиликбозликнинг олдини олиш ҳамда бу иллатларга қарши кураш бўйича шаҳар наркологи диспансери томонидан олиб борилаётган ишлар, профилактик чора-тадбирлар диққатга сазовор бўлмоқда.

— Шаҳар наркологи диспансери 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, диспансер тизимида кундузи даволаш бўлими, физиотерапия (ультра нур билан даволаш), ўсимирлар бўлими, махсус наркологиya экспертизаси ва мастлик хрлатини аниқлаш хонаси мавжуд, — дейди мазкур диспансернинг даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Елена Попова. — Диспансер Тошкент шаҳри аҳолисига хизмат қуратади. Бу ерда ҳар бир туман бўйича шифокор наркологи бўлиб, беморларни даволаш, ҳисобга олиш, кузатиш, ҳисобдан чиқариш ҳамда профилактика ишларини амалга оширади. Шу билан бирга диспансерда бирламчи, иккинчи, уламчи профилактика ишлари олиб борилади. Бирламчи профи-

лактика ишлари олий ўқув юртлари, коллеж, лицей, мактаб ва маҳалларда гиёвандлик, ичкиликбозликнинг зарарли оқибатлари тўғрисида ўсимир-ёшлар ўртасида давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказиш, шу билан бирга хатарли гуруҳларга мансуб бўлган ўсимирларни аниқлашдан иборат. Демак, ўсимирлар шифокори ўзига бириктирилган туман халқ таълими, ҳудудий тиббий бўлимлари билан ҳамкорликда режа иш олиб бораётган PSI ташкилоти, шаҳар СПИД маркази билан шартнома асосида иш олиб бормоқда, — дея суҳбатимизга қўшилди шаҳар наркологи диспансерининг психиатр билан профилактик даволанчилар Шунингдек, диспансерда ҳудудий масолаҳатхонаси мавжуд бўлиб, унда асосан уламчи профилактика ишлари олиб борилади. Бундан ташқари беморларни даволанишга жалб қилишда волонтерлар ёрдамидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Яъни, волонтерлар гиёванд моддаларни и-

мол қилишни ташлаган, даволанишга келганда иккиланувчи, ишонмай-диган, қўрқадиган беморлар орасида ОИВ-ОИТС касаллигининг олдини олиш бўйича тушултириш ишларини амалга оширилади.

— Шунинг таъкидлаш керакки, шаҳар наркологи диспансери Тошкент шаҳрида ишонч пунктларини ривожлантириш бўйича фаолият қуратиб келаётган JAICA/WORLD VISION ва ОИВ/ОИТС профилактикаси бўйича иш олиб бораётган PSI ташкилоти, шаҳар СПИД маркази билан шартнома асосида иш олиб бормоқда, — дея суҳбатимизга қўшилди шаҳар наркологи диспансерининг психиатр наркологи Зафар Отабоев. — Ушбу шартнома асосида диспансерга гилеванд моддаларни инъекция йўли билан истеъмол қилувчиларга зарарли камайтириш мақсадида қўллаб-қўлланган дорини оларнинг олдини олиш. Диспансернинг ҳудудий масолаҳатхонасида нарнолог, психолог, психотерапевт ва психиатр билан беморлар орасида

даволаш ишларини олиб бориш билан бирга уларнинг оила аъзоларига ҳам гуруҳли ва индивидуал психотерапевтик ёрдам қуратилади. Бундай ёрдам қуратишга сабаб беморларга нисбатан муносабатларини йўлга қўйишдан иборат. Шу билан бирга диспансерда кундузи шифокор муолажалар қуратилади доридармонлар билан даволанчилар. Беморларни даволашда шунингдек, қадимий ҳинд йог усулидан ҳам фойдаланилади. Йог усули билан даволаш машғулоти беморнинг руҳиятига ижобий таъсир қуратади. Шунингдек, бу ерда беморларга ультра товуш нурлари ёрдамида даволаш муолажалари амалга оширилади.

Диспансер рўйхатида гиёвандлар беш йил, сурункали ичкиликбозлар эса уч йил ҳисобда турадилар. Бугунги кунда диспансерда ўз ишининг тажрибали мутахассислари бўлган даволоччи руҳшунс А.Пўлатов, В.Колесникова, У.Абидова, Н.Харабара сингари жонқуяр шифокорлар хизматидан кўпчилик миннатдор.

Аср вабосига айланган гиёвандликнинг олдини олиш, ёшларимизнинг бу қароқот чағалига тушиб қолмасликларини учун барча саъй-ҳаракатларини амалга оширишимиз даркор. Чунки ёшлар — бизнинг келажгимиз. Озод ва обод юрт келажғи эса ҳар томонлама соғлом, комил инсонлар қўлидадир.

Дилнора АКРОМОВА

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Сўранг, жавоб берамиз

ТАҲЛИЛЛАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТМИ?...

Ҳурматли таҳририят! Кўпчилик соғлигимиз ёмонлашиб, шифокорга мурожаат қилганимизда, албатта бир неча таҳлиллар топшириш зарурлигини айтишади. Таҳлилларни топшириш шартми?... Шу ҳақда мутахассис маслаҳатини билишимиз истардик.

Б. Курбонова, уй бекаси.

Ҳаммага маълумки, ҳозирги замон тиббиёти ноёб, ўта аниқ текшириш усуллариغا эга. Лаборатория таҳлиллари ёрдамида фақат касалликлар аниқлинибгина қолмай, балки уларнинг нақадар жиддийлиги ва қандай ривожлангани ҳам оидинлашади. Бундан ташқари, касалликни энди «куртак» отаётганда аниқлаб, унинг юзига чиқишини айтиб бериш мумкин. Бироқ ҳар қандай, ҳатто энг оддий таҳлилларни ҳам шифокор назоратидан ўтказиш керак, фақат у касаллик аломатларини ҳисобга олган ҳолда даво буюриши мумкин. Шунинг унутмаслик керакки, ҳар бир текши-

риш маълум бир мақсадда ўтказилади, унинг ўз афзалликлари ва чегаралашлари бор. Масалан, рентген ва ультратовуш суяк тизимидаги, ички аъзолардаги анатомик касалликларни аниқлайди, лекин бунда функционал бузилишлар сезилмайди. Қонни биокимёвий текшириш жигар, буйрак, янак, секреция безлари, моддалар алмашинувининг ҳолати ҳақида тушунча беради, аммо инфекциялар ҳақида жим қолади. Уларни аниқлаш мақсадида қон серологик текширилади ва касаллик кўзгатувчиларини тўқималарда топши усуллари қўлланилади. Ичак микрофлораси ҳақида дисбактериозга махсус анализ натижалари асосида хулоса қилинади. Баъзи одамлар таҳлиллар баҳоси қанча қиммат бўлса, натижа шунча яхши бўлади, деб ўйлайдилар. Бу бутунлай нотўғри фикр. Шунинг унутмангки, таҳлиллар баҳоси тест-система учун қўлланиладиган аппаратуралар, сарфланадиган вақт ва ходимларнинг меҳнатига қараб белгиланади.

Ҳатто жуда тажрибали шифокорлар ҳам Сизни текшириб кўрар экан, албатта баъзи таҳлиллар топширишининг зарурлигини айтиди. Чунки тажрибали, ўта малакали шифокор ҳам Сизнинг организмингиз ҳақида ахборотга эга бўлиши керак, шундагина касалликни тўғри аниқлай олади.

Ҳамма гап шундаки, бир-бирига ўхшаш бўлган кўпгина касалликларга мутлақо бошқа-бошқа даво усуллари қўллаш керак бўлади. Масалан, қорин оғришига бактериялар, гижжалар ёки меъда-ичак йўлидаги дардлар сабаб бўлиши мумкин. Шифокор касалликнинг сабабини аниқлашдан кўнглини ташхис, УЗИ,

гастроскопия, микробиологик текширувлар буюради. Баъзи касалликлар, масалан, эндокрин, онкологик, сийдик йўллари инфекцияси хасталиклари аломатлари узоқ йилларгача сезилмаслиги мумкин. Уларнинг илк аломатлари ноаниқ бўлади: одам салга тоқилади, холи қуриydi, яхши ухламайди. Одам буларга ё парво қилмайди, ёки ишининг кўпчилигидан чарчадим, витаминлар етишмаётгандирда, деб ўйлайди. Агар сопа-соғ бўлсангиз бир йилда бир-икки марта умумий қон ва сийдик анализини топшириб, ўзингизни текшириб қўйсангиз зарар қилмайди. Аёллар йилда бир марта гинеколог текширувидан ўтганлари маълум. Ана шунда кўпчилик касалликларни эрта аниқлаб, даволаш осон бўлади. Узингиз янаб турган жойдаги поликлиникада рентген, УЗИ, лаборатория ва бошқа ташхис усуллари бор.

Шунинг ҳам биллиб қўйиш керакки, қизилча вирусига антитело фақат касаллик юққандан кейин орадан 2 hafta ўтган пайдо бўлади ва ҳоказо. Гижжаларни аниқлаш учун тухум қўядиган даврни «тутиш» керак. Касалликка хос аломатлар бўла туриб, анализ касалликни тасдиқламаган тақдирда шифокор такрорий текширишга юбориши мумкин. Агар шунда ҳам натижа бўлмаса, баъзи ҳолларда шифокор касаллик аломатларини ҳисобга олган ҳолда даво буюриши мумкин.

Абдухалим СОДИҚОВ,
Республика Саломатлик институти
Тошкент шаҳар филиалининг
усулбичис,
олий тоифали шифокор.

МОҲИР ЖАРРОҲ

Эркинжон Ҳайиталиевни темирйўлда кўпчилик яхши танийди. Ҳузурига даво истаб келган темирйўлчилар моҳир жарроҳнинг ширин каломидан руҳида энгиллик сезишса, операция жараёнини оғриқсиз бажаришига тан беришади.


— Жарроҳнинг қилаётган иши кўзга кўринадиган, энг оғир ва масъулиятли соҳа, — дейди Эркинжон Ҳайиталиев. — Бемор танасидаги чандик ёки тиг ўринининг қилиши ташқи қиёфасига салбий таъсир этиши табиий. Бизнинг вазифамиз даволаш қатарига, операция ўрничи нозиклик билан чандиб кўйишдан ҳам иборат. Бу ҳам жарроҳнинг маҳоратига боғлиқ.

Тошкент темирйўл марказий клиник шифохонасида меҳнат қилиб, эл дуосини олаётган Эркинжон Ҳайиталиевдан устозлари ҳам мамнун. Чунки у жарроҳликнинг сир-синоатларини изчил ўрганиб, уни амали-

ётда кенг қўллаётган шифокорлардан.

СУРАТДА: жарроҳ Эркинжон Ҳайиталиев ҳамширалар Маржона Калитаева ва Элнора Александровалар билан навбатдаги муолажага тайёргарлик кўрмоқда.

Муҳаммад Амин (Ўза) олган сурат.



Ҳақиқатан ҳам шифокорлик касби ва унинг масъулияти, шу касбни танлаган кишиларнинг одоби, ахлоқи, маданияти ва бошқа фазилатлари ҳақида кўп доно гаплар айтилган ва талаблар қўйилган. Маълумки, ҳаётдан баҳрам олишининг воситаси — саломатликда. Саломатлигимиз бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

Соғлиқнинг қадрини ҳасрат билан бемордан сўрамайди.

Яқинда маҳаллада бўлиб ўтган истиқомат қиладиган нуруний отахон билан суҳбатлашиб қолдим.

Забтайкашлариниз КАСБГА МЕҲР

«Ўз умрини савоб иш—шифокорликка бахш этган одам,— деган эди Шарқ таботатининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино,— энг аввало саҳий, муруватли, соддадил, ҳаққий ва беғараз, адолатпарвар бўлмоғи керак. Ташқи қиёфаси эътиборга лойиқ камсуқум, камган, очик чеҳрали ва табассумли, озода ҳамда камтарин бўлиши лозим».



Қариганиндан кейин ҳамма касаллик ёпишаваркан, ҳаммасидан ҳам тиш оғриғидан сақласин. Шу десангиз уч ой бурун тишим оғриб шундай азоб бердики, асти қўверинг. Бир ҳафта жуда қийналдим. Фарзандларим неча йилдан буён янги тиш қўйдириб берамиз дейишганда ҳеч унама-гандим. Охири тишларим оғриб, азобидан кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолган, тиш дўхтирига олиб борақол, деб айтдим. Ўғлим Аббос Умаров деган тиш шифокорига қарчадим, витаминлар етишмаётгандирда, деб ўйлайди. Агар сопа-соғ бўлсангиз бир йилда бир-икки марта умумий қон ва сийдик анализини топшириб, ўзингизни текшириб қўйсангиз зарар қилмайди. Аёллар йилда бир марта гинеколог текширувидан ўтганлари маълум. Ана шунда кўпчилик касалликларни эрта аниқлаб, даволаш осон бўлади. Узингиз янаб турган жойдаги поликлиникада рентген, УЗИ, лаборатория ва бошқа ташхис усуллари бор.

Шунинг ҳам биллиб қўйиш керакки, қизилча вирусига антитело фақат касаллик юққандан кейин орадан 2 hafta ўтган пайдо бўлади ва ҳоказо. Гижжаларни аниқлаш учун тухум қўядиган даврни «тутиш» керак. Касалликка хос аломатлар бўла туриб, анализ касалликни тасдиқламаган тақдирда шифокор такрорий текширишга юбориши мумкин. Агар шунда ҳам натижа бўлмаса, баъзи ҳолларда шифокор касаллик аломатларини ҳисобга олган ҳолда даво буюриши мумкин.

Отахоннинг гапларини тинглаб, Аббос ака ва унинг иш тажрибаси билан танишиш мақсадида Шайхонтоҳур туманидаги масъулиятли шифокор, — дейди масъулиятли шифокорлардан ҳамшира орамизда бор бўлсин.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: ортопед-стоматолог Аббос Умаров шоғирдан Саида Фузайлова билан бемор аҳволини таҳлил қилишмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Миннатдорлик

Республикамизда юқори малакали, қўли гул шифокорларимиз кўп. Уларнинг қўлидан неча минглаб беморлар даво топиб келмоқдалар. Улар ўз соҳаларининг ҳақиқий жонқуярлари, захматкашларидирлар.

Шифокорларга мурожаат этмаган инсон бўлмаса керак. Табиийки шифокор албатта беморлар даридаги малҳам бўлишга ҳаракат қилади. Бундан бир неча йил илгари 2-Тошкент тиббиёт институтининг кўз касалликлари бўлимида кўзим операция бўлди.

Кафедрада олдин ўнг, маълум муддат ўтган чап кўзимни даволашди. Муолажа муваффақиятли ўтди. Сабаби — ажойиб, қўли энгил камтарин инсон,

бўламан ва отамнинг тишларини ўзим даволайман деб ахд қилганман, — деди биз билан суҳбатда Аббос ака. — Шунинг учун бу касбни танлайман. Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб уни 1969 йилда тамомладим. 1976-79 йилларда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва-

бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

КАСБГА МЕҲР

«Ўз умрини савоб иш—шифокорликка бахш этган одам,— деган эди Шарқ таботатининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино,— энг аввало саҳий, муруватли, соддадил, ҳаққий ва беғараз, адолатпарвар бўлмоғи керак. Ташқи қиёфаси эътиборга лойиқ камсуқум, камган, очик чеҳрали ва табассумли, озода ҳамда камтарин бўлиши лозим».



Қариганиндан кейин ҳамма касаллик ёпишаваркан, ҳаммасидан ҳам тиш оғриғидан сақласин. Шу десангиз уч ой бурун тишим оғриб шундай азоб бердики, асти қўверинг. Бир ҳафта жуда қийналдим. Фарзандларим неча йилдан буён янги тиш қўйдириб берамиз дейишганда ҳеч унама-гандим. Охири тишларим оғриб, азобидан кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолган, тиш дўхтирига олиб борақол, деб айтдим. Ўғлим Аббос Умаров деган тиш шифокорига қарчадим, витаминлар етишмаётгандирда, деб ўйлайди. Агар сопа-соғ бўлсангиз бир йилда бир-икки марта умумий қон ва сийдик анализини топшириб, ўзингизни текшириб қўйсангиз зарар қилмайди. Аёллар йилда бир марта гинеколог текширувидан ўтганлари маълум. Ана шунда кўпчилик касалликларни эрта аниқлаб, даволаш осон бўлади. Узингиз янаб турган жойдаги поликлиникада рентген, УЗИ, лаборатория ва бошқа ташхис усуллари бор.

Шунинг ҳам биллиб қўйиш керакки, қизилча вирусига антитело фақат касаллик юққандан кейин орадан 2 hafta ўтган пайдо бўлади ва ҳоказо. Гижжаларни аниқлаш учун тухум қўядиган даврни «тутиш» керак. Касалликка хос аломатлар бўла туриб, анализ касалликни тасдиқламаган тақдирда шифокор такрорий текширишга юбориши мумкин. Агар шунда ҳам натижа бўлмаса, баъзи ҳолларда шифокор касаллик аломатларини ҳисобга олган ҳолда даво буюриши мумкин.

Отахоннинг гапларини тинглаб, Аббос ака ва унинг иш тажрибаси билан танишиш мақсадида Шайхонтоҳур туманидаги масъулиятли шифокор, — дейди масъулиятли шифокорлардан ҳамшира орамизда бор бўлсин.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: ортопед-стоматолог Аббос Умаров шоғирдан Саида Фузайлова билан бемор аҳволини таҳлил қилишмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Кўлингиз дард кўрмасин

Республикамизда юқори малакали, қўли гул шифокорларимиз кўп. Уларнинг қўлидан неча минглаб беморлар даво топиб келмоқдалар. Улар ўз соҳаларининг ҳақиқий жонқуярлари, захматкашларидирлар.

Шифокорларга мурожаат этмаган инсон бўлмаса керак. Табиийки шифокор албатта беморлар даридаги малҳам бўлишга ҳаракат қилади. Бундан бир неча йил илгари 2-Тошкент тиббиёт институтининг кўз касалликлари бўлимида кўзим операция бўлди.

Кафедрада олдин ўнг, маълум муддат ўтган чап кўзимни даволашди. Муолажа муваффақиятли ўтди. Сабаби — ажойиб, қўли энгил камтарин инсон,

бўламан ва отамнинг тишларини ўзим даволайман деб ахд қилганман, — деди биз билан суҳбатда Аббос ака. — Шунинг учун бу касбни танлайман. Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб уни 1969 йилда тамомладим. 1976-79 йилларда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва-

бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

КАСБГА МЕҲР

«Ўз умрини савоб иш—шифокорликка бахш этган одам,— деган эди Шарқ таботатининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино,— энг аввало саҳий, муруватли, соддадил, ҳаққий ва беғараз, адолатпарвар бўлмоғи керак. Ташқи қиёфаси эътиборга лойиқ камсуқум, камган, очик чеҳрали ва табассумли, озода ҳамда камтарин бўлиши лозим».



Қариганиндан кейин ҳамма касаллик ёпишаваркан, ҳаммасидан ҳам тиш оғриғидан сақласин. Шу десангиз уч ой бурун тишим оғриб шундай азоб бердики, асти қўверинг. Бир ҳафта жуда қийналдим. Фарзандларим неча йилдан буён янги тиш қўйдириб берамиз дейишганда ҳеч унама-гандим. Охири тишларим оғриб, азобидан кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолган, тиш дўхтирига олиб борақол, деб айтдим. Ўғлим Аббос Умаров деган тиш шифокорига қарчадим, витаминлар етишмаётгандирда, деб ўйлайди. Агар сопа-соғ бўлсангиз бир йилда бир-икки марта умумий қон ва сийдик анализини топшириб, ўзингизни текшириб қўйсангиз зарар қилмайди. Аёллар йилда бир марта гинеколог текширувидан ўтганлари маълум. Ана шунда кўпчилик касалликларни эрта аниқлаб, даволаш осон бўлади. Узингиз янаб турган жойдаги поликлиникада рентген, УЗИ, лаборатория ва бошқа ташхис усуллари бор.

Шунинг ҳам биллиб қўйиш керакки

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИДА
ДОНО БУЛУР...

Онаси муаллимдан: «Билломадигми, унинг табиаги қайси касбга мойил, характери қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан махрум бўлган. Билишимча, унинг хотири махбур учун нигорон, дили эса маъшук юзига хайронга ўхшайди:

Ўзи меҳнатга ожизу боши савдога лик тўла, Бугун эртанинг фикри ҳақида ўйламас асло!

Агар мен илму иймодан савол қилсам у васлу ҳажрондан гапиради, агар мен ҳалолу харомдан ҳикоя қилсам у зулф ила ҳолдан оғиз очади». Онаси деди: «Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошққ бўлиш ихтиёрий эмасдир! Байт:

Домга тушган ночор кунининг ҳолини, Озод юрган бургут билмас ҳеч қачон. Кафасдаги бўлбўл нолишин эса, Ёр-ла юрган каптар сезмас бегумон.

Уни озод қил! Ишда шундай ҳосият борки, у кишини латофатли, назокатли ва хушёр қилади!

Хар кимсанинг боғи ила бўстонлари бўлса ҳам, Хушнуд эмасдир ҳаргим унда ёри бўлмаса. Кўнгил бермок бировга, ҳаётнинг ўзи шулдир, Жонсиз суратдир кимнинг гулузори бўлмаса.

● Агар киши эхтиром ва эътибор гавхарини қидирувчилардан бўлса, гавхар каби яширдин бўлсин, токи уни изловчилар орзу гаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар аксинча эътибор тағамини нафс итининг бўйинидан олиб, гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга таъма кўзи билан боқадиган бўлса, тегиримондек саргардон айлиниб қорин тўйдириб пайда бўлса, яхши-си обрў тилаши бир чеккага йиғиштириб, тиланчилик қилгани маъкул.

● **ҲИҚМАТ.** Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади.

● Бир киши олдинга келиб, бировни ғийбат қилса, уни рост айтаяпти деб ўйлама. Балки уни бу феълдан қайтар. Ўзинг ҳам бундай сўз ва феълдан ҳазар қил!

● **ҲИҚМАТ.** Сукрот ҳақим айтди: — Олам адолат билан пой-дор, зулм билан эса хору зор! Байт:

Зулм асосига қурилган бино Ғазаб оташидан вайрон бўлажак!

● Ошқор айтилган таъна кўнгилда яширилган гинадан яхши.

● Пулу молга бўлган ташналик сувга бўлган ташналикдан кўра дахшатлироқ.

● Жавобга шошилган киши хатога йўл қўyadi.

● Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва садоқат.

1973 йил «Оқшом» газеталари тарихида уч муҳим янгилик билан эсда қолади. Шу йили «03-03 ўрганиш доно бўлур» руқни газета саҳифасидан мустаҳкам ўрин эгаллади ва у мунтазам равишда ҳафтага бир марта «Оқшом»нинг ҳар шанба сонида ўқувчилар эътиборига ҳавола этиладиган бўлди. Форс, араб ва туркий тиллардан таржима қилинадиган бу дурдоналарнинг хазинабони шарқшунос олим Шорасул ота Зуннунов эди. Албатта бу инсоннинг кечмишидан беҳабар бўлган «Оқшом»нинг ҳозирги ёш авлод ўқувчилари Шорасул отанинг ўтмиши ҳақидаги маълумот билан қизиқишади табиий. Атоқли журналист, муҳаррир, адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мақсуд Қориёв «Дурдоналар хазинаси» номли китобга битган сўзбошида Шорасул Зуннунов ҳақида (матн қисқартириб олинди) шундай ёзади.

«Дунёда шундай инсонлар бўладики, умр бўйи жонини жаборга бериб, кўп савобли ишлар қилиб, эл тилига тушади, эътибор қозонади. Аммо қилган олижаноб, саховатли ишлари хусусида ҳеч қаерда мақтаниб юрмайди. Шорасул Зуннун ота ана шундай инсонлардан. Уни танимаган, иззат-икром этмаган киши йўқ, ўзлари бўлса гоят камсуқум, камтарин, ақл-заковатли зот эди. Газетада ишлаган кезларимда иложи бўлса ҳар ҳафтада келиб турар, ахлоқ-одоб, инсонийлик ҳақида ёзиб келган кичик ҳикоялари, қадим Шарқ алломаларининг монанд фикрлари асосида битилган сермазмун мақолалари билан газетхонларни мамнун этарди.

Шорасул ота ўзбек халқининг содиқ ўғлини сифатида миллий қадриятларимиз, қадимий анъана, урф-одатларимизни тиклаш, мустаҳкамлаш, ўзигимизни англаш йўлида кўп хайли ишларга қўл урди. Унинг эътиқоди, ифтихори, ғурури кучли эди, шу боис собиқ иттифоқ даврида кўп жабр-жафоларга дучор бўлди. Унга «халқ душмани», «миллатчи» тақди тағмасини босиб ҳибса олдилар.

Шорасул ота 1956 йилда сургундан қайтди. Кўп тилларни яхши билган бу доғишманд инсон эл учун, юрт учун зарур, керакли эди. Дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлай бошладилар. Қадимий нодир қўлэмалар устида иш олиб бориб, бирин-кетин китоблар, илмий мақолалар, араб, форс, турк тиллардан таржималар қилган эдилар.

Шорасул Зуннун ўзига хос илм соҳиб эди. Унинг газета, журналлар саҳифаларида эълон қилинган мақолалари «03-03 ўрганиш доно бўлур» сарлавҳаси остида бир неча бор қайта-қайта босилган рисолалари ҳали-ҳали ёдимизда, дилчимизда.

Улар барча давр ва замонларга мосдир. Замонлар ўтиши билан бу ноёб, бебаҳо маънавий дурдоналарнинг қиммати, аҳамияти яна ҳам ошиб, қадрланиб боради. Айниқса, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлига кирган, Истиқлолимиз туйғайли қадим тарихимиз сақланган, хазиналар сандиги очилиб халқ мулкига айланган замонда Шорасул Зуннуннинг кўз нури, қалб қўри билан таллаб, авайлаб, саралаб бизга қолдирган донолар хазинаси катталар учун ҳам, ёшлар учун ҳам ибратомуз маънавий бойлик бўлиб, келажақ авлодни юксак ахлоқ-одоб руҳида, олижаноблик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда дастуруламал бўлиб хизмат этади».

Газетадаги яна бир янгилик шундан иборатки, худди шу йили унинг саҳифасидан «Газетхон йўлланмиси билан» руқни остида махсус муҳбир Абдуқодир Ниёзовнинг Тошкент метро қурилиши ҳақидаги мақоласи эълон қилинди. «Ма-шаққатли метрлар» сарлавҳаси остида метро қурувчилар ҳаётиндан олиб ёзилган бу репортаж қуйидаги жумлалар билан бошланади. «Кўп газетхонлар редакцияга қўриб ёзишиб, Тошкент метроси қандай қуриляётгани, у ерда шу кунларда олиб бориляётган ишлар ҳақида ҳикоя қилишимизни илтимос қилишган. Биз газетхонларимиз йўлланмаси билан бир неча кўн метро қурилишида бўлдик. Метросозлар олиб бораётган ишлар билан танишдик. Бугун ер ости темир йўли қурилишидан олган дастлабки таассуротларимизни эътиборингизга ҳавола этмок-

дамиз».

Шунингдек, илк қалдирғоч сифатида газетага «Саломатлик ҳақида сўхбатлар» ва «Инсон одоби билан» руқлари кириб келди. «Саломатлик ҳақида сўхбатлар» ҳар чоршанба кунки, «Инсон одоби билан» эса пайшанба кунлари газета саҳифасидан ўрин оладиган бўлди ва улар тез орада газетхонлар эътиборига тушди. Бу руқлар остида бериляётган мақола муаллифларига кўз ташласангиз, замоннинг энг тажрибали шифокорлари ва номи элга танилган олим ўзвучилар, педагог-тарбиячилар исми-фамилиясини кўрасиз. Масалан, улардан тиббиёт фанлари доктори, профессор Эркин Қайюмов, биология фанлари доктори Атаулла Оқиллов, тиббиёт фанлари номзодлари Носир Қосимов, Акбар Аскарлов, Ориф Азизхўжаевларнинг номларини

га» жажжи қиссаси мазкур фикрнинг яққол далили бўла олади. Халқ эрталари услубида ёзилган бу ҳикояда Наримон Наримовнинг ҳаёти ва фаолияти оддий меҳнаткаш, тоғли бир қария тилидан ҳикоя қилинади.

Ижодининг илк палласи ана шундай виқорли бошланган Мақсуд Шайхзода, яна такрор айтиш мумкинки, ўзбек адабиётида ўчмас из ва кўп эзгу хотира қолдирди.

Шу ўринда шоир хотирасига ҳурмат ва эътибор сифатида унинг шу саҳифада эълон қилинган «Байрам нашидаси» шеърини келтириш ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

Ойларга байрамлар

нақш бўлиб тушар, Китобга сарлавҳа шундай ярашар. Бу тўйни олқишлар авлоди башар, Уфқда жаранглар дўстлик навоси. Ботирлик, тантилик, ростлик навоси, Эркилик байрамига эришганлар шод. Диёр яшнайверса кўнгиллар обод, Бу юртни кўқартган, ахир, одамзот. Дунёга таралсин дўстлик ҳавоси, Ҳамиша янгрисин дўстлик навоси.

Ҳама нар сағоси**«ОҚШОМ»НИНГ ҲТГАН КУНЛАРИ****САККИЗИНЧИ ҲИКОЯ**

санаб ўтишимиз мумкин.

Шу йиллар газетанинг адабиёт ва санъат бўлимининг иши яна бир поғонага юқорилади десак хато қилмаймиз. Кундалик адабий-бадий мавзулар, театр ва кино санъати ҳақидаги чиқишлардан ташқари газетада ҳар ҳафтанинг душанба сонида «Адабиёт ва санъат», «XX аср овози» саҳифалари мунтазам чоп этилиб турди. Айниқса улар орасида улкан сўз санъаткори Мақсуд Шайхзодага бағишланган саҳифа ҳар томонлама мукамал тайёрланганди. Ҳа вақтда Мақсуд Шайхзода меросини ўрганиш ҳайъатининг масъул котиби бўлган Мухсин Зокиров шоир ҳақидаги эсдаликларини шундай таърифлайди. «Агар улкан сўз санъаткорларининг қадр қиммати, умр-зоқлиги, бадий маҳоратидаги устозлик даражасини ўлчайдиган энг ишончли андоза замон ва китобхон ҳисобланган экан, у ҳолда бундай сермашаққат синондан шараф билан чиқа олган нодир сиёмолар каторида Мақсуд Маъсумбек ўли Шайхзодин табаррук исмини ҳам фахр ва меҳр билан ёдга олмок, эъзозламок даркор.

Замон ва замондошлари орасида ўзининг барҳаётлигидаёқ файласуф шоир, улкан драматург, йирик олим, кинонавис, оташин публицист, моҳир таржимон, ҳозиржавоб ва камёб нотик, тезкор ва жўшқин журналист, меҳрибон ва ғамхўр устоз, муаллим сифатида машҳур ва манзур бўлган Мақсуд Шайхзода адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирди.

«Шеър билан назм (шоир бу ўринда юзюки қофиябозликни кўзда тутади) урта-сиддаги фарқни шоирларимиз ҳам, танқидчиларимиз ҳам синчковлик билан аниқлаб олмағунларича, «Адаб бозори»да сўлган ва ёлгон байтлар ҳақиқий юрак поэзиясига гов бўлиб турғувсидир», дея қайта-қайта такрорларди у. Шоир ҳали ўсмирлик чоғларидаёқ «Адаб бозори»да от суришга азму жасорат этар экан, юқоридаги андозага қатъий риоя қилишга ҳам ўзини, ҳам касбдошларини изчиллик билан ундаб келди. Биз унинг болалик дафтариде битилган ва 20-йилларнинг аввалида матбуотда эълон қилинган бир қанча шеър ва бадий публицистик парчаларидаёқ шу фазилатни равшан кўраимиз. Дарҳақиқат, шоир қолдирган табаррук мерос билан қанчалик чуқур ва яқиндан танишар эканмиз, асарларининг ҳар бири, хатто ҳар бир сатри буюк ва покиза қалб илҳомлари, ҳақгўй қалам тили билан ўзига хос нозик, мислсиз санъат даражасига кўтарилиб, «Ҳақиқий юрак поэзиясига» айланганлигига қомил ишонч ҳосил қиламиз.

Мавлоно Мақсуд оға ижодининг илк палласидаёқ замон ва замин, унинг меҳнаткаш, жафокаш кишилари, башар эрки, адолат, одамлар орасида меҳр-шафқат гоғларини барқарор этиш учун курашга ҳаётини тиккан элнинг улуг фаолияти адабий ижоднинг туганмас илҳом ва мавзу манбаи эканлигини англаб етди ва шу ҳаётий ҳақиқатга изчил риоя этишга интилди. Унинг 1927 йилда яратган «Наримон ҳақида халқ эрта-

Газетанинг сарғайган бетларини ва рақлаган киши бундай диққатга молик саҳифаларни кўрлаб учратди ва ўзига лозим бўлган керакли маълумотларни топа олади.

Биз «оқшом»чиларнинг анъанага кириб қолган бир одатимиз бор эди. Кечкурун бир-биримиз билан хайрлашиш мақсадида узун-қисқа бўлиб бир хонага тўпланардик. Баъзан бу тўпланишимиз узок чўзилиб кетар (айниқса ойллик ёки калам ҳақи олган кезларимиз)да, охири ўзимизга яқин ва қадрдон бўлиб қолган чўчварахонада яқун топарди. Ҳамкасбларимиз орасида Кенжа Ҳамроев сажий, қўли очик инсон эди. Бунни билган китмир жамоадошларимиз кўпроқ Кенжа акани сўхбатга тортишарди. Кимдир уни кечаги ёзган мақоласи мактовини келтирса, яна бирови тунов кунги тўрт қатор шеърини таърифлаб кетарди. Бу мактовлардан боши осмонга етган Кенжа ака:

— Юринглар-ей, бир чўчварахонага бориб отамлашайлик, — деб қоларди. Табиийки, тахририятдан ҳаммамиз бир йўла чиқиб кетолмасдик. Чунки бош муҳарриримиз иккинчи қаватда жойлашган ўз хонаси пешайовнига кечки пайт атайлаб чиқиб олиб ким билан кетаётганлиги, кимлар эса ишдан эрта қайтаётганлигини кузатиб турарди. Биз ҳам аноий эмасдик. Битта-биттадан бўлиб, унга чат бериб қолардик.

Борадиган манзилимиз ҳозирги Сайилгоҳ кўчасидаги чўчварахона. Кўпинча кечки пайт ҳамкасбларимизни излаб қолган кишилар бизни шу ердан топишарди. Бир пайла чой устиде шеърхонлик бошланарди. Охири еган-ичганимизнинг ҳисоб-китоби масаласига келганимизда бир кишига оғир бўлмасин деб биз ҳам ҳаминқадар хисса қўшмок ниятида чўнтагимизни қавлаб қолардик. Баъзи ҳазилкаш, «хасис»роқ оғайниларимиз «Менда пул йўқ» деб ўзини четга олиб турарди. Шундайларга қарата Тўлқин ака ўзи ёқтирган:

«Ема, ичма, бўл бахил, Бой бўлмасанг мен кафил», деган термини ифодали қилиб ўқирди. Унга жавобан Кенжа ака:

Озор чекманг устоз, сира ғам еманг,

Кенжангиз бор, бу пуллари кам деманг, дея ўзи ҳисоб- китоб қилишга тушарди.

Ўртада яна шоирона руҳ бошланиб бировимиз:

Дўстинг бўлса гар қуруқ, Сен бўлурсан ичбуруқ,

десак, бошқамиз эса шунга хос қофияли сўз ўйинини топишга ҳаракат қилардик. Кимнинг қўли баянда бўлса (ҳисоб-китоб маъносиде) даврага ўша яқун ясарди. Табиийки, сўз охири Кенжа акага бериларди. У илҳомланиб ўрнидан турарди, янги қоралаган шеърини ифодали ўқиш билан даврамизга яқун ясарди.

Биз «оқшом»чилар ишни ҳам, унумли меҳнатдан сўнг, бироз хордиқ чиқариб, асабларга дам беришни ҳам унутмасдик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Биласизми?

**ШОЛИНИНГ
ВАТАНИ ҚАЕР?**

Шоли қадимий экинлардан бири бўлиб, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари жойлашган минтақалар унинг асл ватани ҳисобланади. Шоли Хитойдан Япония ва Филиппинга ўтган. Ҳиндистондан эса Эронга ўтиб, ундан Малай архипелаги, Ява ороли ва Шарқий Африка оролларига етиб борган. Малайяликлар эса уни Мадагаскар оролига олиб ўтишган. Фарбий Осиёда ҳамда қадимий Миср аҳолилари узок вақт шолидан беҳабар бўлишган. Қадимий юнонлар эса Искандар Зулқарнайнинг салб юришларидан кейингина шолидан хабар топишган.

Милoddан аввалги 500 йилларда Бактрия мамлакатларида, хусусан, ҳозирги Афғонистон, Тожикистон ва Жанубий Ўзбекистон худудларида, Сўғдиёнада, Амударёнинг ўнг соҳилларида шоли экиланлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Қадимги юнон олими Страбоннинг «Журофия» асарида келтирилишича, Марказий Осиёда яшаган массагет, сак қабилалари «марвариддан» яъни шולי етиштиришган. Шунингдек, манбаларга кўра, қадимда ҳам Сирдарё, Зарафшон, Амударё соҳилларидаги сўғориладиган ерларда шолчилик, деҳқончилик асосий соҳаларидан бири бўлган.

XIX аср охириларида ҳозирги Ўзбекистон худудида хоридан «америка шолиси» келтириб, кенг майдонларга экила бошланган.

Ҳозирда шולי дунёнинг 115 дан ортик мамлакатларида 155 миллион гектарга яқин майдонларга экилади. Унинг маҳсулоти бўлишчи гурч қарийб 3 миллиард кишининг асосий озиқовқат манбаи ҳисобланади. Ҳар йили, ўртача, 600 миллион тонна, яъни дунё бўйича киши бошига тахминан, 100 килограмм шולי етиштирилади.

Ялпи шולי етиштириш бўйича жаҳонда Хитой (290,2 миллион тонна) — биринчи, Ҳиндистон (134,2 миллион тонна) — иккинчи, Индонезия (51 миллион тонна) — учинчи ўринда туради.

Хитойда шולי етиштиришнинг қадимги усуллари ҳали яхши сақланиб қолган.

Нурулло АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент молия институтини талабаси.



Қизлар хиром айлаганда...



Наталья Семёнова олган суратлар.

НАВРЎ ТАҚВИМИ

Ўтмишда хилма-хил тақвимлар бўлган. Биз амалда кабисавий тақвимлардан фойдаланамиз. Лекин уларнинг келиб чиқиши кабисасиз тақвимлардан бошланган. Шундай тақвимлардан бири — ибтидои минг йилликлар қаърига йўналган амалдаги Григорий кўёш тақвими. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, унинг илдиэларидан бири Марказий Осиёга келиб тақалиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Рим императори Нума, милoddан аввалги VIII асрда бу тақвими ни слоҳ қилган ва унга яна икки — январь ҳамда февраль ойларини қўшиб, йилни ўн икки ойга бўлган. Натижда йил тақвимида ойлار куйидагитартибдиройлаб.

- | | |
|---------------|-----------|
| 1. Биринчи | Прим |
| 2. Иккинчи | Секунда |
| 3. Учинчи | Терция |
| 4. Тўртинчи | Кварт |
| 5. Бешинчи | Квинтилис |
| 6. Олтинчи | Секстилис |
| 7. Еттинчи | Септембер |
| 8. Саккизинчи | Октомбер |
| 9. Тўққизинчи | Новембер |
| 10. Ўнинчи | Децембер |
| 11. Январь | Январь |
| 12. Февраль | Февраль |

Ислоҳ қилинган Нума тақвимида етти ой: январь, апрель, июнь, август, сентябрь, ноябрь ва декабрь ойлари 29 кундан, тўрт ой: март, май, июль ва октябрь 31 кундан иборат бўлган. Февраль 23 кундан тузилган бўлиб, унга ҳар йил қўшимча 5 кун қўшилган. Йил ойлари кунларининг бундай тақсимланиши, римликларнинг жуфт сонлар «нохушлик» келтиради деб ирим қилишлари орқали юзага келган. Манбалардан олинган маълумотларга кўра, қадимги Рим тақвимида ой кунларининг сони баъзан 16 дан 39 кунгача ўзгариб турган. Бу хоҳинларнинг эътиборсизликлари бўлиб, улар йилнинг ой кунларини ўз ихтиёрларида белгиланганлар. Милoddан аввалги 46 йилда Рим императори Юлий Цезарь Қадимги Рим тақвими ни слоҳ қилади. Натижда йил муддати (365,25 кун) ва ҳар ойдаги кунлар сони (30 ва 31 кундан) қатъий белгиланган, йил ҳисоби 1 январдан бошланган бўлган. Шунингдек, ҳар уч кабисасиз йил 365 кундан, тўртинчи кабисали йил 366 кундан иборатлиги қайд этилган. Шу тариқа Рим тақвимида йилни тўлдирувчи қўшимча «5» кун муаммосидан халос бўлинган. Нума ислоҳидан кейин тақвимнинг дастлабки тўрт ойи Рим мифологияси, дини ва маданияти таъсирида Рим илоҳлари номларини олган ва март, апрель, май, июнь, деб аталган. Цезарь ислоҳидан бироз ўтгач, квинтилис — июлга (Юлий Цезарь шарафига) ва секстилис — август (император Октавиан Август шарафига) ўзгартирилган. Қадимги Рим тақвими нинг рақамли тартибдаги ойлари турли номлар билан аташ одати кейинчалик ҳам давом этган ва, ҳатто, йилнинг барча ойлари исмлар билан қайта белгилаб чиқилган. Лекин у вақт синовиға бардош бера олмаган. Милoddинг бошларида Қадимги Рим тақвими эндиликда бизга тааниш қиёфани олган. Унда илк Қадимги Рим тақвими дан фақат бир неча рақамли тартибдаги ойлар қолган, холос.

Умуман, ўтмишда римликлардан бошқа халқларда ҳам йил ойлари тартиб рақамлари билан ифодаланган тақвимлар бўлган. Масалан, фалакети тарихида қадимги мисрликларда ойлари тартиб рақамлари билан ифодаланган тақвим бўлиб, унинг йили, ҳар бир ойи 30 кундан тартибланган 12 ойдан иборат бўлган ва сўнги ойга қўшимча 5 кун қўшилган. Абу Райхон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида турк тақвими ни қайд қилиб: «Мен бу ойланинг метёр, маъно ва сифатларини аниқламадим», — деб ёзган. Сўнг у қуйидаги турк тақвими ни баён қилади: Улуғ ой, Кичик ой, Биринчи ой, Иккинчи ой, Учинчи ой, Тўртинчи ой, Бешинчи ой, Олтинчи ой, Еттинчи ой, Саккизинчи ой, Тўққизинчи ой, Ўнинчи ой. Тақвимнинг

содда ҳисобли тузилиши унинг қадимчилигиға ишора қилади. Тақвимнинг ой ва йил муддатлари неча кундан иборат, деган савол беихтиёр пайдо бўлади: Фарғоний ва Берунийларнинг асарларидан маълумки, турк тақвими ҳақидаги маълумот қайд қилинган даврда форсий ёки зардуштий тақвими кенг амалда бўлган. Унинг ойлари: Фарвардин мох, Ардибах мох, Хўрдод мох, Тир мох, Мурдод мох, Шахривор мох, Махр мох, Абан мох, Озар мох, Дей мох, Бахман мох, Исфандармад мох. Бу тақвимда йил 12 ойга бўлинган ва ҳар бир ой 30 кундан ташкил топган. Фақат қўшимча 5 кун йил ҳисобиға турли усулларда қўшилган. Берунийнинг турк тақвимиға муносабатидан, у кенг тарқалган оддий тақвим, дейиш мумкин. Уша даврда бундай содда тақвимлар борлиги ҳақида Маҳмуд Қошғарий ҳам «Девону луғотит турк» асарида маълумот берган. Юқоридаги мулоҳазалар асосида турк тақвими нинг ҳар бир ойи 30 кундан ва йил охириға қўшимча 5 кун қўшилган бўлиши эҳтимол. Тақвимнинг содда ва қадимчилигидан унинг йил ҳисоби баҳорги тенг кунликдан бошланган бўлиши мумкин. Бундай анъана ўтмишда жаҳоннинг кўплаб тақвими лариға хос бўлган. Манбалардан маълумки, қадим замонларда зардуштийлик тақвими ўзининг йил ҳисобини Кўёшининг ёзи туришидан бошлаган. Тақвимнинг саккизинчи — Абан ойиға қўшимча 5 кун қўшилган, шунда тўққизинчи ой баҳорги тенгкунлик — наврўздан бошланган. Абан ойида Фарвардождон деб аталган кунлар нишонланган. Таъбир қилишлариға: «шу кунларда марҳумлар руҳи жаза ва муқофот жойларидан чиққанлар». Абан ойининг ўзи Наврўздан олдин келади, яъни уни тақвимдаги ўрни эски йил охири ва янги йил бошида. Шунингдек, Қадимги Рим тақвими нинг февраль ойи «Ер ости илоҳи» маъносини билдиради.

| Цезарь | Рим | Нума | Турк |
|-----------------------|--------------------|--------------------|---------------|
| Милoddан аввалги 46 й | Милoddан аввалги 1 | Милoddан аввалги 8 | қадимли |
| Март | Мартуис | Биринчи | Биринчи ой |
| Апрель | Априлис | Иккинчи | Иккинчи ой |
| Май | Майус | Учинчи | Учинчи ой |
| Июнь | Юниус | Тўртинчи | Тўртинчи ой |
| Июль | Квинтилис | Бешинчи | Бешинчи ой |
| Август | Секстилис | Олтинчи | Олтинчи ой |
| Сентябрь | Септембер | Еттинчи | Еттинчи ой |
| Октябрь | Октобер | Саккизинчи | Саккизинчи ой |
| Ноябрь | Новомбер | Тўққизинчи | Тўққизинчи ой |
| Декабрь | Децембер | Ўнинчи | Ўнинчи ой |
| Январь | Януариус | Януариус | Улуғ ой |
| Февраль | Фебруариус | Фебруариус | Кичик ой |

Маълумки, Қадимги Рим тақвими да Цезарь ислоҳиғача йил боши мартда, баҳорги тенгкунлик кундан бошланган. Демак, йилнинг охири ойи февраль бўлади. Унда маъно жиҳатидан Фарвардождон ва Февраль ўхшашдир. Юқоридагилардан, бу тартиб қачонларид ҳисобли тақвимлар борасидаги ўзаро мулоқотлар натижасида пайдо бўлган, деган фикр келиб чиқмайди. Лекин шундай бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. **Сайидбахром АЗИЗОВ,** фалакшунос.

*Мунажжим
башорати*

**НАТИЖА
ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ**

24 МАРТ, ПАЙШАНБА

Мунажжимлар бу пайшанбанинг инсонлар учун анча қулай келиши башорат қилишади. Лекин «олма пиш — оғзимға туш», деб ўтириш ҳам мумкин эмас. Истаган ниятингизға етишиш учун анча-мунча куч-ғайрат сарфлашингизға ҳам тўғри келади. Бир сўз билан айтганда — куннинг қанчалик сермазmun, самарали кечиши ўзингизға боғлиқ.

Марси Юпитер билан, Венерани Сатурн билан боғловчи ижодий эркинлик жабҳалари туфайли адолат ҳимояси учун, қимматбах ва шунга яқин тошларни пардозлаш учун ажойиб имкониятлар юзага келади.

Астрологик фон ишлаб чиқарувчиларға ҳам, спортчиларға ҳам бирдек ижобий таъсир кўрсатади. Уларнинг муваффақиятлари фақат юқори бўлибгина қолмай, ижодий сержило ва сермазmun бўлиши ҳам мумкин.

Рузанинг ҳар қандай тури, яъни танаға энгиллик берадиган ҳар қандай ҳаракат бугун самарали бўлади — тана чирклардан тозаланади. Бугун суюқликни имкон қадар камроқ истеъмол қилиш керак. Чунки суюқлик танаға бугун ифлослантирувчи таъсир этади.

Бугунги кун жуда муҳим кун ҳисобланиб, қандайдир эзгулик ишларини бугун бошламасангиз, бир ойлик фурсатни бой бераркансиз. Мунажжимлар таъкидига кўра, бугун мутлақо жанжаллашиш мумкин эмас, никоҳдан ўтиш, харидлар қилиш, дам олиш учун ҳам бугунги кун гоёт қулай ҳисобланади.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, ҳар қандай ишингизни соат 17 гача яқун топтиришға ҳаракат қилинг. Зеро, кечга яқин Ой сайёраси инсоннинг салбий ички қувватини фаоллаштириб, нафс балоси, алдовлар ва руҳий заифлик ҳолати кучаяди ва мулоқотларни чеклаш, эҳтиёткор ҳамда хушёр бўлишға интилиш керак бўлади. Эҳтиросларингизни жиловлаб, бузуқ фикрлар таъсиридан ўзингизни асранг.

Кийинишда яшил ва ҳаворанг либосларни танланг. Ола-була ва ёрқин ранглардан, қизил, зарғалдоқ ва сиёҳ ранглардан узоқроқ бўлинг.

БУГУН:

- ўқиш, меҳнат қилиш, уй-рузгор муаммоларини ҳал этиш;
 - иш билан дам олишни тартибға солишға интилиш;
 - савдо ва туристик фирмалар билан мулоқотда бўлиш;
 - компьютер, электрон ўйинларни эрмак қилиш тавсия этилади.
- Сиёсий ва жамоат ишлари билан шуғулланмаганлигингиз, шахсий ҳаётингиз ва оилангиз қобилигизга ҳаддан зиёд ўралашиб қолмаганингиз маъқул. Янги гоёларға берилиб кетиш, юрак амри билан иш қилвериш тавсия этилмайди.

*Ҳўрчилик юритишчи
сўбсеқтлар
раҳбарлари ҳамда
тадбиркорлар
диққатига!*

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларға мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57,
55-67-42, 55-19-73.

Спорт

**ТАЙЁРГАРЛИК
ҚИЗГИН**

Маълумки, 25 март кuni Кувайтда футбол бўйича ҳаҳон чемпионати саралаш турнирининг Кувайт-Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги учрашуви ўтказилди.

Дастлабки беллашувда ўз майдонларида Саудия Арабистони терма жамоаси билан куч си-нашиб 1:1 ҳисобида дуранг на-тижани қўлга киритган Юрген Гёде шогирдлари учун Кувайт-даги беллашув муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам ўқув машғулот йиғинлари яна бошланди. Эти-борлиси, хорж клубларида тўп суратган легионерларимиз ҳам Тошкентга етиб келишди.

Ушбу учрашувнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш, терма жамоаси учун яратилган шарт-шароитлар билан тани-шиш, ташкилий ишларда юза-га келиши мумкин бўлган кам-чиликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Футбол федерацияси терма жамоалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Алишер Никимбоев ҳамда бир гуруҳ журналистлар Кувайтга жўнаб кетишди.

Дарвоқе, ушбу муҳим белла-шувда мамлакатимиз терма жа-моаси аъзоларини қўллаб-қув-ватлаш мақсадида Кувайт мам-лакатига ашаддий мухлислар ҳам етиб боришди.

**МАМЛАКАТ
ЧЕМПИОНЛАРИ
АНИҚЛАНДИ**

«Жар» спорт мажмуасида 1985-1986 йилларда туғил-ган қизлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган Ўзбекис-тон чемпионати мухлислару мутахассисларда илиқ таас-сурот қолдирди.

Этиборли жиҳати, 9 та вазн тоифасида, 100 нафардан ортиқ самбочи иштирокида уюштирил-ган ушбу беллашуларда Тош-кент шаҳри ва вилояти ҳамда мамлакатимизнинг барча вило-ятлари самбочи қизлари голиб-лик учун мurosасиз кураш олиб боришди. Ҳаяжонли лаҳзалар-га бой кечган баҳслар якунида эса голиблар аниқланиб, улар-га совринлар ва эсдалик совға-лари топширилди. Дарвоқе, ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритган Сарви-ноз Ҳайтова, Нилуфар Давлато-ва, Гулчехра Каримова, Дилно-за Камбарова, Гулмира Исмато-ва, Шаминур Бербер, Румила Шайхутдинова, Елена Могилу-налар қаторида тошкентлик Моҳина Юсупова ҳам бор.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Ад-лия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жи-ҳатидан ва молиявий таъмин-лаш Департаменти Тошкент ша-ҳар ҳудудий бўлими жамоаси ҳудудий бўлимининг бош ҳисоб-чиси Раъно Худоевона Эргаше-вага онаси

Ойша ая ЭРГАШЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор эта-ди.



Премьерадан сўни

“БАХТЛИ БЎЛ, ДУГОНАЖОНИМ”

Бугунги кунда замондошларимиз меҳнатининг қайноқ, таъсирчан нафа-сини ёшлар қалбига, онгига сингдира оладиган, улар маънавий дунёсини бойитадиган, ибрат олса арзийдиган бадиий баркамол образларни ўзига мужассамлаштирган драматургик асарларга эҳтиёж сезиларли даража-да ошиб бормоқда. Айниқса ёшлар ҳаётига оид мавзуларда сахналаш-тирилётган спектакллар кўпчилики бефарқ қолдирмайпти.

Яқинда Муқимий номидаги Ўзбек Дав-лат муסיқали театрида “Бахтли бўл, дуго-нажоним” деб номланган янги, замонавий мавзудаги икки пардали муסיқали спек-таклнинг премьераси бўлиб ўтди. Мазкур саҳна асарининг муаллифи ва сахналаш-тирувчи режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Маъдиев. Спек-таклдаги муסיқаларни Фарҳод Олимов басталаган. Қўшиқлар эса Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев қаламига мансуб.

— Ўзбекистон Маданият ва спорт иш-лари вазирлиги лойиҳаси асосида ҳамда

унинг моддий, маънавий ҳомийлигида сах-налаштирилган ушбу томошанинг асосий ижрочилари театрининг ёш, истеъдодли актёрларидан иборат, — дейди биз билан суҳбатда спектакль режиссёри Р.Маъди-ев. — Бу ҳам ёшларнинг актёр сифатида кашф қилиниши ва уларни қўллаб-қувват-лашга қаратилган ўзига хос ҳаракатдир. Спектаклнинг бошқа саҳна асарларидан фарқи шундаки, у симфоник оркестр жўрлигида эмас, муסיқали оранжировка усулида ижро этилди.

Дарҳақиқат, замонавий мавзудаги маз-кур саҳна асари ёшлар ҳаётига доир бўлиб, унда давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар тўғрисида улар эришаёт-ган ютуқлар, шунингдек, билиб-билмай но-боб давватларга учиб йўлдан адашган айрим ёшларнинг ҳаётидаги сўнги пушай-монлари ҳақида мушоҳада этилган.

Янги изланиш ва янги услуб асосида сахналаштирилган бу спектакль нафақат ёшларни, балки ота-оналарни ҳам фир-лашга ундайди. Спектаклдаги асосий рол-ларни ёш истеъдодли актёрлар А.Латилов, Х.Ортиқов, М.Ортиқова, Н.Холиқова, О.Са-

фаралиев, З.Ёвқочева ва бошқалар маҳо-рат билан ижро этганлар. Шунингдек, то-мошадаги бош ролларни ёшлар билан бир қаторда театрининг етакчи актёрлари ҳам таъсирчан ҳолда маромига етказганлар.

Спектакль сўнгида биз томошабинларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.

— Янги саҳна асарини маҳаллаимиздаги бир гуруҳ онахонлар келиб томоша қилиб, жуда таъсирландик ва ҳурсанд бўлдик, — дейди меҳнат фахрийси Дилбар Қосимо-ва. — Чунки бу айна кундаги долзарб мав-зулардан бирidir. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда ёшлар одоб-ахлоқи, тарбияси, улар-нинг билиб-билмай адашиб турли оқимлар-га қўшилиб кетаётганлиги кўпчиликни ўйлантираётган муаммолардандир. Спек-таклдаги ролларни актёрлар катта маҳорат билан ижро этганлар. Бу томошани кўпроқ ёшлар келиб кўришса, ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар деб ўйлайман.

Ҳақиқатан ҳам спектакль кўпчиликида катта таассурот қолдирганлигини томоша-бинларнинг бир-бирларига ҳаяжон билан ўз мулоҳазаларини билдирётганларидан ҳам билиш мумкин.

Дилором ШОКИРОВА
СУРАТЛАРДА: “Бахтли бўл, дуго-нажоним!” спектаклидан лавҳалар.
Раҳмонбек Исломов олган суратлар.



2005 — Сихат-саломаатлик йили

**СПОРТ — МЕНИНГ
ҲАЁТИМ**

Яқинда шахримиздаги 324-мактабда Шайхонтоҳур тумани-даги мактабгача таълим муас-сасалари раҳбарлари ўртасида Сихат-саломаатлик йили муно-сабати билан “Спорт — менинг ҳаётим” шиори остидаги спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда тумандаги 48 та мак-табгача таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этишиб, спортнинг стол тенниси, волей-бол, шашка, сузиш сингари турлари бўйича ўзаро беллаш-дилар. Бундан ташқари қувноқ стартлар мусобақалари ҳам таш-кил этилди.

Мусобақа сўнгида голиблар аниқланиб Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқарма-си касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди-лар ҳамда шаҳар биринчилиги учун ўтказиладиган мусобақа-ларга йўлланма олдилар.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: 324-мактаб-да бўлиб ўтган спорт мусоба-қаларидан лавҳалар.

**БИЛИБ ҚЎЙГАН
ЯХШИ**

● Термоста суюқлик қуяётганда у тиқингача чиқмаслигини ҳамда шиша қолба билан ташқи қоплама орали-гидаги бўшлиққа қуйилиб кетмасли-гини кузатиб туринг.

● Мўйна буюмларни ёзда сақлаш учун пўстин, ёқа ва бош кийимлар-ни уй ҳароратида қуришти керак. Мўйна устига қўнган чанг силкитиб тозаланади ёки майин живич билан оҳиста қоқиб ташланади. Мўйна кийимларни асрашда нафталин соли-нади. Нафталинни халтачага солган маъқул, чунки нафталинга тегиб тур-ган мўйналар қорайиб тўкилиб кета-ди. Кийимни ип-газламага ўраб ти-киб қўйиш керак.

● Халтача ёки куртқаларга ўрна-тилган занжирсимон очғичи осонгина очилиб ёпилсин десангиз, юмшоқ қалам ичидаги гирфни майдалаб, уларга бир неча бор суртиб қўйинг.

● Ҳўл зонтни йангича қўйманг. Зонт кўпга чидасин десангиз, қуригунча очик ҳолда сақланг.

● Қаттиқ тахтага бурама миҳ қоқиш осон эмас. Миҳ қоқиладиган жойни биз билан ўйинг, бурама-миҳга эса яхшлаб совун суртинг. Шунда иш осон битади.

● Янги супургини намақобли қайноқ сувга икки-уч соат ботириб қўйинг. Шунда у ўз вақтида бундай «ванна» қабул қилмаган супургидан икки-уч баравар ортиқ хизмат қила-ди.



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНААР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
509 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.*
Навр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер маркасида терилди ва сақдаланди.

«Шарк» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.